

**Кўллаш бўйича йўриқнома: Пациентлар учун маълумот  
(илова-варака)**  
**Блемарен**  
**вишилловчи таблеткалар**

Таъсир этувчи моддалар:

Сувсиз лимон кислотаси 1197,0 мг,

Сувсиз натрий цитрати 835,5 мг,

Калий гидрокарбонати 967,5 мг

Катталар ва 12 ёшдан ошган болаларда қўллаш учун.

Препаратни қўллашдан олдин йўриқномани диққат билан ўқиб чиқинг, чунки у муҳим маълумот сақлайди.

Ушбу дори воситасини бу йўриқномада таърифлангандек ёки шифокорингиз ёки фармацевт буюрганидек қабул қилинг..

- Ушбу илова-варакани сақланг. Эҳтимол, Сиз уни такороран ўқиб чиқишингиз талаб этилиши мумкин.
- Агар Сизга кўшимча маълумот керак бўлса, шифокорингиз ёки фармацевтга мурожаат этинг.
- Агар Сиз бирон-бир ножўя самаралар, шу жумладан ушбу йўриқномада кўрсатилмаган ножўя самараларни сезсангиз, шифокор ёки фармацевтга мурожаат этинг.
- Агар Сиз ўзингизни яхши хис қиласангиз, ҳатто ёмонроқ хис қиласангиз, албатта шифокорга мурожаат этинг.

**Ушбу илова-варака қўйидаги маълумотлар сақлайди:**

1. Блемарен ўзи нима ва у қандай ҳолатларда қўлланади?
2. Блемарен препаратини қўллашни бошлашдан олдин нималарни билиш керак?
3. Блемарен препарати қандай қабул қилинади?
4. Кузатилиши мумкин бўлган ножўя реакциялар.
5. Блемарен препаратини сақлаш шароити.
6. Ўрам ичидагиси ва бошқа маълумот.

**1. Блемарен ўзи нима ва у қандай ҳолатларда қўлланади?**

Блемарен – бу урологик дори воситасидир.

Блемарен қўйидаги ҳолатларда қўлланади:

- сийдик тош касаллигида кальций-оксалат тошлари бўлганида ёки бўлмаганида сийдикни ишкориylаштириш учун;
- кальций-оксалат тошларини эритиш ва ҳосил бўлишини олдини олиш ва/ёки кальций-оксалат тошларининг колган фрагментларини ўлчамини катталапишини олдини олиш учун қўлланади.

**2. Блемарен препаратини қўллашни бошлашдан олдин нималарни билиш керак?**

Белмарен препаратини қўйидаги ҳолатларда қўллаш мумкин эмас:

- лимон кислотаси, натрий цитрати, калий карбонати ёки ушбу йўриқноманинг 6 бўлимида санаб ўтилган бирон-бир ёрдамчи моддаларга аллергия;
- ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги;

- мочевинани парчаловчи бактериялар чакирган сийдик чиқариш йўллари инфекциялари (ортофосфат аммоний-магнийли хосилаларни ҳосил бўлиши хавфи – струвит, буйрак тошларининг ва қовуқ тошларининг бир қисми сифатида ва ишқорий сийдикда инфекцияланганда);
- метаболик алкалоз;
- калийнинг даражаси юкори бўлган наслий кам ҳолларда учрайдиган касалликни (эпизодик наслий адинамия) мавжудлиги;
- 12 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас (бу ёш гурухидаги клиник кузатувларни йўклиги сабабли).

### **Огоҳлантиришлар ва эҳтиёткорлик чоралари**

Блемарен препаратини қабул килишдан олдин, илтимос шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Блемарен препаратини биринчи марта қўллашдан олдин буйракнинг функционал ҳолатини тўлиқ текширувдан ўтказиш ва қон зардобида электролитларнинг юкори даражасини инкор этиш керак. Буйрак тубуляр ацидозга гумон бўлганда ҳам кислота-ишқор мувозанатини назорат қилиш керак.

Сийдик тош касаллигига олиб келувчи ҳар қандай касалликлар (сийдик кислотали тошларни ҳосил бўлиши билан кечувчи қалқонсимон олди безлари аденонаси, хавфли ўсмалар каби) бўлганида биринчи навбатда этиотроп даволаш ўтказилиши керак.

Блемарен препарати билан даволашни сийдик ва қон кўрсаткичларини вақти-вақти билан назорати остида олиб борилиши керак. Кислота-ишқор мувозанатига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Даволаш вактида препаратнинг таъсирини тутиб туриш учун тузни истеъмол килишни камайтириш керак.

Ҳар куни етарли миқдорда сийдик ҳосил бўлиши учун чой, шарбат ёки ишқорий минерал сув кўринишида 2-3 литр суюқлик қабул қилиш керак, бу ўз навбатида тошлар ҳосил бўлиши хавфини камайтиради.

Жигар функциясини оғир бузилишлари бўлган пациентларда Блемаренни эҳтиёткорлик билан буюриш керак.

### **Блемаренни бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Агар Сиз бошқа дори воситаларини қабул қилаётган, яқинда қабул қилган ёки қабул килишни режалаштирган бўлсангиз, шифокорингиз ёки фармацевтга хабар беринг.

Қонда калий даражасини ошиши юрак гликозидларининг (юрак ритмини айрим бузилишлари ёки юрак етишмовчилигини даволаш учун дори воситалари) таъсирини камайтиради. Конда калий даражасини камайиши юрак гликозидларининг нохуш таъсирларини кучайтиради, бу аритмия чакириши мумкин.

Вишилловчи таблетка 380 мг калий ионлари/9,7 ммоль калий сакланишини эътиборга олиш керак.

Альдостерон антагонистлари, калий тежовчи диуретиклар (триамтерен, спиронолактон ва амилорид каби сийдик ҳайдовчи препаратлар), ААФ ингибиторлари ва ангиотензин II-БРА га рецепторлар сартанлар-блокаторлар (гипертония ва юрак етишмовчилигига қўлланадиган доди воситалари), ностероид яллигланишга қарши ва периферик анальгетиклар (ревматизм ва оғрикни даволаш учун воситалар) буйрак томонидан калийни чиқарилишини камайтиради, бу қонда калий концентрациясини ошишига олиб келиши мумкин.

Бундай воситаларни бир вақтда қабул қилиш мумкинлигини шифокор белгилайди.

Бу доди воситаларини Блемарен препарати билан бирга қабул қилишдан олдин албатта шифокор билан маслаҳатлашинг!

Цитратлар ва алюминий сақловчи препаратларни бир вақтда қабул қилиш алюминийни сүрилишини кучайишига олиб келиши мумкин. Бундай препаратларни қабул қилиш орасида оралик камида 2 соатни ташкил қилиши керак.  
Ушбу маълумот янги дори воситаларига ҳам тааллукли эканлигига эътибор қаранг.

### **Блемарен препаратини овқат маҳсулотлари ва ичимликлар билан ўзаро таъсири**

Сиз қандай овқат маҳсулотлари ва ичимликларни истеъмол қилишдан сақланишингиз керак?

Сийдикни ҳосил бўлиши Сизнинг овқатланиш рационингизга бевосита боғлиқ. Шунинг учун экстремал овқатланиш одати сийдикни таркибига таъсир кўрсатади ва тош ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Сизнинг ҳар кунлик рационингизда қандай ўзгаришларни амалга ошириш кераклиги ҳакида шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг (хусусан бу хайвонлардан олинган оқсилни истеъмол қилишни чеклашга ҳам тааллукли). Препаратнинг самарасини тутиб туриш учун даволаш вактида тузни истеъмол қилишни камайтириш керак.

Ҳар куни чой, мева шарбатлари ёки ишқорий минерал сув кўринишида 2-3 литр суюқлик истеъмол қилиш керак. Бу етарли миқдорда сийдик ҳосил бўлишига ёрдам беради ва тош ҳосил бўлиши хавфини камайтиради.

### **Хомиладорлик ва эмизиш даври**

Агар Сиз ҳомиладор бўлсангиз, эмизсангиз, ҳомиладорман деб гумон қилсангиз ёки ҳомиладорликни режалаштирган бўлсангиз, ушбу препаратни қўллашни бошлишдан олдин даволовчи шифокорингиз ёки фармацевтга хабар беринг.

Ҳомиладорлик ва лактация давридаги ножӯя реакциялар ҳақидаги маълумотлар йўқ.

### **Транспорт воситаларини бошқариш**

Блемарен транспорт воситаларини бошқарганда ҳайдовчининг реакциясига таъсир кўрсатмайди.

Блемарен лактоза, натрий ва калий сақлайди.

Вишилловчи битта таблетка 109 мг лактоза сақлайди. Агар Сизда айрим қандларни ўзлаштираолмаслик ҳакида билсангиз, албатта шифокор билан маслаҳатлашинг.

Блемарен вишилловчи битта таблеткаси 9,7 ммоль (380 мг) калий сақлайди. Агар Сизда буйрак етишмовчилиги ёки калий миқдори кам пархезга риоя қилаётган бўлсангиз, илтимос бунга эътибор қаратинг.

Блемарен вишилловчи битта таблеткаси 9,7 ммоль (220 мг) натрий (0,57 г натрий хлоридига эквивалент) сақлайди. Агар Сиз тузсиз пархезга риоя қилаётган бўлсангиз, илтимос бунга эътибор қаратинг.

### **3. Блемарен препарати қандай қабул қилинади?**

Ушбу дори воситасини йўриқномадаги тавсиялар ёки шифокорингиз ёки фармацевтнинг кўрсатмаларига аниқ риоя қилган ҳолда қабул қилинг. Агар Сиз бирон-бир нарсада ишонч ҳосил қилмасангиз ёки Сизга қўшимча маълумот керак бўлса, шифокорингиз ёки фармацевтга мурожаат этинг.

Тавсия этилган дозалаш:

Сийдикнинг pH оптималь диапазонда тутиб турувчи оптималь дозани индивидуал равища танлаш йўли билан шифокор кўрсатмаси бўйича қабул қилинади.

Сийдик тош касаллигига сийдикни ишқорийлаштириш учун:

Қайталанишларни олдини олиш учун сийдикнинг pH 6,2 дан 6,8 чегараларида бўлиши керак.

Блемарен препаратининг суткалик дозаси индивидуал бўлиб ва турли пациентлар учун турлича. Одатда суткалик доза вишилловчи 3 таблеткани ташкил қиласи. Суткалик доза тенг учта дозага бўлинади, улар кун давомида қабул қилинади. Агар сийдик pH кўрсаткичи 6,2 дан паст бўлса, дозани ошириш керак. Дозага бундай тузатиш киритиш кечкурунги дозани 2 тагача, айрим ҳолларда – вишилловчи 3 таблеткага ошириш йўли орқали амалга оширилади. pH кўрсаткичи 6,8 дан ошганда доза камайтирилиши керак. Дозага тузатиш киритишни кечкурунги доза хисобидан амалга оширган афзал. Сийдик кислотали тошларни **хемолитолизи** учун сийдикни pH 7,0 ва 7,2 орасида бўлиши керак.

Сийдик кислотали тошлар ва ёндош кальцийли тошлари бўлган пациентларда кальций тошларини олдини олиш ва сийдикни ишқорийлаштириш учун:

Сийдикнинг pH кўрсаткичи 6,8-7,4 гача мувофиқлаштирилиши керак. pH кўрсаткичларини ушбу диапазонига эришиш учун ҳар бир алоҳида ҳолатда доза аниқланиши керак. Одатда бу вишилловчи 3 таблеткани ташкил қиласи. Зарурати бўлганида доза оширилиши мумкин, лекин кўпгина ҳолатларда pH кўрсаткичининг кўрсатилган диапазонидаги натижаларга эришиш учун вишилловчи 5 таблетка етарли бўлади. Вишилловчи 3 таблетка суткалик дозани бир марталик кечкурунги доза сифатида қабул қилиш ёки кун давомида қабул қилинадиган тенг учта индивидуал дозаларга тақсимлаш мумкин. Юқорироқ дозаларда битта таблеткани эрталаб, битта таблеткани тушлик вактида ва вишилловчи 2-3 таблеткани қабул қилган афзал.

### Қўллаш усули

Блемаренни бир стакан сувда эритиш, бироз аралаштириш, сўнгра дархол қабул қилиш керак. Суюқлик бироз хира, сув юзасида эrimайдиган заррачалар бўлиши мумкин.

Одатда самарадорлик назорати кунига 3 марта сийдикни pH ни аниқлаш орқали амалга оширилади. Бунинг учун қутига жойланган махсус индикатор қофоз ишлатилади. Тест-полосканинг индикатор соҳаси сийдикка бироз ботириб намлантирилади. Сўнгра тест-полосканинг рангли икки минут давомида ранглар шкаласи билан солиштирилади, pH кўрсаткичи хисобланади ва назорат календарига ёзилади.

Блемаренни қанди диабети бўлган беморларга буюриш мумкин (битта таблеткада 0,02 нон бирлиги саклайди).

Тошларнинг ўлчамига ва уларни эриш тезлигига қараб препарат тўрт хафтадан олти хафтагача қўлланади. Ҳар қандай ҳолатда препаратни қабул қилиш давомийлигини шифокор белгилаши керак.

### **Агар Сиз препаратни тавсия этилган дозадан юқорироқ дозада қабул қилган бўлсангиз**

Хатто тавсия этилган дозадан юқорироқ доза қабул қилинганда ва буйрак функцияси нормал бўлганда метаболик ва физиологик кўрсаткичларга ноxуш таъсири кутилмайди, чунки ишқорларни буйрак орқали чиқарилиши кислота-ишқор мувозанатини тутиб туришла ягона бошқарувчи механизм бўлиб хисобланади.

Кузатилиши мумкин бўлган дозани ошириб юборилиши препаратнинг дозасини камайтириш орқали мувофиқлаштирилиши мумкин.

Зарурати бўлганида шифокорга мурожаат этиш мумкин.

### **Агар Сиз Блемарен препаратини қабул қилишни ўтказиб юборган бўлсангиз**

Агар Сиз Блемарен препаратининг навбатдаги дозасини қабул қилишни ўтказиб юборган бўлсангиз, кейинги марта дозани икки марта қабул қилиш мумкин эмас. Препаратни шифокор кўрсатмасига мувофик қабул қилишни давом эттиринг.

### **Агар Сиз Блемарен препаратини қабул қилишни тўхтатган бўлсангиз**

Шифокор томонидан буюрилган даволаш давомийлигига риоя қилинг, акс ҳолда даволашнинг тўлиқ муваффақияти кафолатланмаслиги мумкин.

Агар Сизда ушбу препаратни қўллаш юзасидан қўшимча саволлар бўлса, шифокорингиз ёки фармацевтга мурожаат этинг.

#### **4. Кузатилиши мумкин бўлган ножўя реакциялар**

Ҳар қандай дори воситаси каби Блемарен препарати ножўя реакциялар чақириши мумкин, улар ҳаммада ҳам юзага келмайди.

#### **Кузатилиши мумкин бўлган ножўя реакциялар**

**Тез - тез (1 тадан 1 тагача холатда):**

- меъда-ичак йўллари томонидан аҳамиятсиз (меъданни бузилишлари, кўнгил айниши, қусиш, енгил диарея).

Зарурати бўлганида симптомларни бартараф этиш учун қусишга карши ёки антацид воситаларни қўллаш мумкин.

#### **Ножўя реакциялар хақида хабар бериш**

Санаб ўтилган ножўя реакциялар аникланганда ёки ушбу йўрикномада таърифланмаган реакциялар юзага келганда, шифокорга ёки фармацевтга мурожаат этинг.

Ножўя реакциялар хақида хабар бериб, Сиз ушбу дори воситасининг хавфсизлиги хақида кўпроқ маълумот олишга ёрдам берасиз.

#### **5. Блемарен препаратини сақлаш шароити**

Куруқ жойда, 30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Туба зич ёпилсин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

Туба ва картон кутида кўрсатилган яроклилик муддати ўтгач препарат қабул қилинмасин. Яроклилик муддатини тугаши кўрсатилган ойнинг охирги куни ҳисобланади.

Дори воситаларини чиқинди ёки канализацияга ташламанг. Дори воситаларни қабул қилишни яқунлагандан кейин уларни қандай утилизация қилиш ҳақида шифокорингиз ёки фармацевтдан сўранг. Бу чоралар атроф-мухитни ҳимоя қилишга ёрдам беради.

#### **6. Ўрам ичидагиси ва бошқа маълумот**

##### **Блемарен препаратининг таркиби**

Таъсир этувчи моддалар:

Сувсиз лимон кислотаси, сувсиз натрий цитрати, калий гидкарбонати.

Калий гидрокарбонатини шунингдек калий бикарбонати деб ҳам номлаш мумкин.

**Блемарен** вишилловчи 1 таблетка куйидагиларни сақлайди:

Сувсиз лимон кислотаси 1197,0 мг

Сувсиз натрий цитрати 835,5 мг

Калий гидрокарбонати 967,5 мг

Ёрдамчи моддалар: лактоза моногидрати, маннит, натрий сахарини, лимон ароматизатори, адипин кислотаси, макрогол 6000.

**Блемарен вишилловчи таблеткаларнинг ташқи кўриниши ва ўрам ичидагиси.**

**Ташқи кўриниши:** думалоқ шаклли, ясси, фаскали ва лимон ҳидли, оқ ёки деярли оқ рангли таблеткалар.

**Ўрами:** 20 таблеткадан полипропилен тубада. Тубанинг тикини силикагель сақлайди. 4 туба пациентлар учун тиббиётда қўллаш бўйича йўрикномаси (илова-варака), индикатор қоғоз ва назорат календари картон кутига жойланган.

**Қайд этиш гувохномасининг эгаси**

Эспарма ГмбХ

Билефельдер Штрассе 1, 39171 Зюльцеталь / Остерведдинген, Германия

**Ишлаб чиқарувчи**

Мединза - Лабораториос Медикаментос Интернационалес, С.А. С / Солана, 26, Торрехон-де-Ардос 28850 Мадрид, Испания

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**  
Ўзбекистон Республикасида масъул вакили Вайц Ирина Валерьевна. Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш., а/к 4218-сонли, Асосий почтамт. E-mail: [vaytsirina@gmail.com](mailto:vaytsirina@gmail.com); Телефон: +99897 1575566.